



# TIBBIYOTNOMA

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI 2020 YIL MAY

## ХОТИРА АБАДИЙ, ҚАДР МУҚАДДАС



**Тошкент тиббиёт академияси Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлимида Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида кўплаб ибратли тадбирлар ўтказилди.**

“Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича” чоратадбирлар режаси тасдиқланди ва мазкур режа асосида барча факультет талабаларининг “Ўзбекистон тарихи”, “Қуролли Кучлар” ҳамда “Қатағон қурбонлари” давлат музейларига ташрифлари ташкил этилди.

Мазкур тадбирларнинг энг аҳамиятлиси кўп йиллик самарали ва ҳалол меҳнатлари, малакали шифокор ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, тиббиёт фанининг ривожланиши ва жамоат ишларида қўшган ҳиссаси ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан меҳнат fronti фахрийси, кўп йиллар давомида Тошкент тиббиёт институтида талаба ёшларга сабоқ берган устоз Стара Шоюсупованинг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланиши бўлди. Жорий йилнинг 6 март куни ТТА ректори Л.Туйчиев, Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Т.Бобомуратов ва фаол талабалардан тузилган гуруҳ томонидан Стара Шоюсупова хонадонига ташриф уюштирилиб, “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси” кўкрак нишони тантанали топширилди ва ТТАнинг эсдалик совғалари тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олмазор туманида Иккинчи жаҳон урушида қатнашган ўзбекистонлик тиббиёт ходимлари тарихий тиббиёт музейини ташкил этиш тўғрисида”ги топшириғига биноан ТТА профессор-ўқитувчилари ва талабалари томонидан Иккинчи жаҳон урушида ҳамда фронт ортида тиббиёт хизмати кўрсатган фидоийлар уйларига ташрифлар ташкил этилиб, 20 дан ортиқ экспонатлар (уруш йиллари махсус қурол-яроқ сандиғи, фотоаппарат, солдат шинели, тарихий альбомлар ва махсус ҳужжатлар) йиғилди ва “Ғалаба” музейига тақдим этилди.

Бундан ташқари, 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Тошкент тиббиёт академиясида кўп йиллар ҳалол меҳнат қилган 20 дан ортиқ Иккинчи жаҳон ва Афғон уруши қатнашчилари ТТАнинг қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Ҳабиба НУРБОЕВА,**  
**Ёшлар билан ишлаш маънавият бўлими услубчиси**

## **МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ – ДАВР ТАЛАБИ**

*Тошкент тиббиёт академиясида*

*жорий этилган масофавий таълим ҳақида*

Бугунги кунда коронавирус инфекцияси дунёнинг 190 га яқин мамлакатада қайд этилди ва шиддат билан тарқалишда давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишларида коронавирус пандемияси, унинг олдини олишга алоҳида тўхталиб ўтилмоқда. Тизимли чора-тадбирлар белгиланмоқда. Ана шундай узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ишлар самарасини бермоқда.

Таълим соҳасида ҳам чора-тадбирлар асосида ишлар олиб борилмоқда. Пандемия даврида барча олий таълим муассасаларида битирувчилар учун зарур имкониятлар яратиш, уларни масофадан туриб, онлайн тарзда битирув малакавий ишларини амалга ошириш ишлари жорий этилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 31 мартдаги 97-сонли буйруғи ҳамда ТТА ректорининг жорий йил 8 апрелдаги 275-сонли буйруғига асосан академия бакалавриятининг “Даволаш иши”, “Касб таълими (даволаш иши)” ва “Тиббий профилактика иши” таълим йўналишлари, шунингдек, магистратура ва клиник ординатура (резидентура) битирувчиларини мос равишда ишлаш учун 2020 йил 20 апрелидан тиббиёт муассасаларига юборилиши, шунингдек, 20 апрелгача ишга тақсимлаш ва ишга жойлаштириш бўйича шартномалар тузилиши, битирувчиларни мутахассислигига мос равишда ишга жойлашиши, якуний Давлат аттестацияларини онлайн шаклда 10 апрелдан 20 апрелига қадар ўтказилиши белгилаб қўйилган.

Шунга кўра ТТАда ЯДА имтиҳонлари масофавий тарзда ўтказилиб, унда жами 711 нафар, жумладан “Даволаш иши” йўналиши бўйича 283 нафар, “Касбий таълим” йўналиши бўйича 101 нафар, “Тиббий профилактика иши” йўналиши бўйича 67 нафар, шунингдек, магистратуранинг 50 дан ортиқ мутахассислиги бўйича 260 нафар талабалар имтиҳонларни масофавий тарзда топширишди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 27 мартдаги “Олий таълим муассасаларида масофавий таълимни жорий этиш тўғрисида”ги буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида 1 апрелдан бошлаб талабалар учун масофавий таълимни Тошкент тиббиёт академиясида (бакалаврият таълим йўналиши, магистратура мутахассислиги) хусусиятига мувофиқ, метод ва технологияларда жорий этиш ва шу асосида ўқитиш ташкил этилди. Таълим йўналишлари ва мутахассислик фанлари бўйича электрон ресурсларга қўйиладиган талаблар ҳамда масофавий таълим платформасида ўқув ресурсларини яратиш ва масофавий курслардан фойдаланиши бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилди. Тасдиқланган режа-графиклар асосида фанларнинг электрон ўқув ресурслари ишлаб чиқилди ҳамда масофавий таълим платформасига жойлаштириб борилди. Бундан ташқари, таълим йўналишлари бўйича ўқув режаларда 2019/2020 ўқув йилининг баҳорги семестрида маъруза, амалий машғулотлар ва лаборатория машғулотларига ажратилган соатларни талабалар томонидан масофавий таълим асосида ўзлаштириши (лаборатория ва практикаларнинг бир қисми (масофавий бериш мумкин бўлмаган) июль-август ойларига ёки кейинги ўқув йилига ўтказилиши мумкин) шароитларини яратиш белгилаб қўйилди.

Ҳозирги кунда ТТАда бакалавриятуранинг турли йўналишларида шу семестрда ўтилиши керак бўлган барча фанлар (201 та) ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича курсларнинг фанлари бўйича маълумотлар (мавзу бўйича маъруза матни ва тақдироти, амалий кўникмалар, вазиятли масалалар, назорат саволлари ва тест топшириқлари) базаси Moodle тизимидаги платформага жойлаштирилган. Аксарият машғулотлар шу тизимда ўтилмоқда.

ТТА барча профессор-ўқитувчилари ва талабалари тўғрисидаги маълумотлар базаси ҳам шакллантирилди. Бугунги кунда умумий фойдаланувчилар сони 5372 нафарни ташкил этмоқда. Жумладан 844 нафар профессор-ўқитувчи, 4528 нафари эса талабалар.

Масофавий таълим учун Telegram, ZOOM ижтимоий тармоқларидан кўшимча фойдаланилмоқда. Мамлакатимизнинг узоқ ва тоғли худудларида интернет тармоғи қамрови кучсиз бўлганлиги сабабли талабалар кафедралар томонидан ташкил этилган Telegram тармоғи орқали онлайн ўқишмоқда.

Агарда талабалар белгиланган муддатда дарсларни ўзлаштира олмаса ёки назорат саволлари, тест топшириқларини ўз вақтида топшира олмаса, албатта бу талабалар назоратсиз қолмайди, улар билан гуруҳ мураббийлари ёки ўқув ишлари бўйича декан ўринбосарлари боғланиб, фойдалана олмаганлик сабабларини аниқлашмоқда. Мавзунини ўзлаштириш, топшириқларни бажаришда қайта имкониятлар яратилмоқда.

Шуни айтиш лозимки, ҳозирги замон талаблари асосида барча соҳаларда рақамлаштириш жадал кечмоқда, нафақат умумий ўрта таълим, балки олий таълимда ҳам масофавий таълим жараёни кенг жалб қилинмоқда, яхши натижаларга эришилмоқда, лекин тиббиётнинг айрим таълим турларини (амалий кўникмаларни бажариш, бемор кўриги, симуляцион роботларда ишлаш каби кўникмаларни шакллантириш) масофавий ўзлаштириш мураккаблиги барчамизга аёндыр, шунинг учун юртимизда пандемия тезроқ тугашини, карантин чоралари тезроқ тугатилишини, талабаларимиз ўқув жараёнига тезроқ қайтишларини истардик.

**Ш.МАССАВИРОВ,**  
Тошкент тиббиёт академияси ўқув-услубий бўлим бошлиғи

## **БАХТЛИ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ**

**XXI аср фан-техника тараққиёти ва ахборотлар тезлиги қанчалик ортиб борган сари оиладаги ўзаро муносабатлар ҳам янги-янги қирраларни замонга мос ҳолатда намоён этиб бормоқда. Бунга сабаб оила тизимини тубдан ўзгариши, яъни оила аъзоларининг мавқеидаги ўзига хос ўзгаришлардир.**

Оила жамиятнинг энг мураккаб, энг содда бўлаги эканлиги барча даврларда таъкидлаб келинган. Истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб давлатимиз раҳбари томонидан оиланинг ҳар томонлама мустаҳкам бўлишига алоҳида эътибор қаратилди. Бунга асосий сабаб шахс дастлабки билимларини оилада олиб, оилада шахс бўлиб етишиш билан бир қаторда, муомалани оилада ўзлаштириши шу билан бирга баркамол

авлод бўлиб етишишини тарихан исботлаб берилгандир. Ҳозирги кунда ёшларга оила ҳақида билим бериш ва уларни оилага тайёрлаш жуда катта аҳамият касб этади. Оиладаги шахсларо муносабатлар муомала давримизнинг энг долзарб муаммолардан бири эканлиги кейинги вақтларда оиладаги оила аъзоларининг ўзаро муносабатида яққол намоён бўлиб қолмоқда.

Оила аъзоларининг ўзаро муносабати асосида ёшлар билимларини ўзлаштиришлари, маълум касб эгаллашлари, янги техника ютуқларини ўрганиш-лари билан бир қаторда, ижтимоий муҳитнинг вакили сифатида шаклланадилар. Оиланинг психологик жиҳатдан таҳлиliga эътибор қаратадиган бўлсак, бир оиланинг муомала маданияти бир неча ўнлаб шахсларнинг руҳиятига ижобий ёки салбий таъсир этиши табиийдир.



Айни юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, юртимизда пандемия вақтида ТТА хотин-қизлар бошланғич ташкилоти томонидан талаба қизларини оилага тайёрлаш мақсадида телеграмм каналида “Сиз бахтли бўлишни хоҳлайсизми?” номли онлайн ўқув курси очилди. Онлайн дарсга Тошкент тиббиёт академиясида таҳсил олаётган 1-курсдан 5-курсгача бўлган уч юздан ортиқ қизлар аъзо бўлдилар. Онлайн дарснинг асосий мақсади талаба қизларни бўш вақтларини унумли ўтказиш ҳамда оилавий ҳаётга тайёрлашдан иборатдир.

Қизлар билан ишлаш давомида онлайн дарсларда оила психологияси йўналишида – оиланинг ўзига хос индивидуал хусусиятлари, этник ва менталитетга хос қирраларини, сирларини ўрганишни замонавий психология методларидан фойдаланган ҳолда турли вазиятли ҳолатлар ҳамда ибратли ҳикоялар туркум тарзда ўтиб борилмоқда. Турмуш остонасида турган қизларимизга никоҳ ҳақида тушунча, никоҳнинг пайдо бўлиш тарихи, никоҳ турлари, никоҳ шарномасини тузиш ҳамда никоҳнинг қонуний асослари, никоҳ қадриятлари тўғрисида суҳбатлар уюштирилди. Қайнона ва келин муносабати, турмуш ўртоқ билан муносабатнинг муҳим томонлари ҳақида маълумотлар берилиб, керакли маслаҳатлар бериб борилмоқда.

Аёл, она, келин тушунчалари ҳақида маълумотлар ҳам берилмоқда. Аёлнинг оилада тутган ўрни ҳамда кадр-қиммати хусусида, суюкли келин ва рафиқа бўлиш сирлари, оила бекаси учун зарур бўлган омиллар борасида мунозаралр ўтказиляпти.

Қизларни оилага тайёрлашда нафақат муомила, балки пазандачилик, тикувчилик каби йўналишлар бўйича ҳам онлайн дарслар ўтилмоқда.

**Лола АБДУҚОДИРОВА,**  
**Тошкент тиббиёт академияси**  
**хотин-қизлар билан ишлаш жамоат ташкилоти раиси**

## АКАДЕМИЯМ ФАХРИМСАН ЎЗИН

Денгиз бўлсин илм булоғинг,  
Жангоҳларда мард-у майдоним,  
Не ҳақимлар кўрди тупроғинг,  
Мадҳ этайин титраб забоним,  
Академиям фаҳримсан ўзинг,  
Ғуруримсан Ўзбекистоним!

Етук олим бўлғувчи бари,  
Ўгил-қизинг бағрингда бисёр,  
Иссиқ меҳринг туйганим сари,  
Айтгим келар такрор ва такрор,  
Академиям фаҳримсан ўзинг,  
Ғуруримсан Ўзбекистоним!

Тиб илмини эгаллаб ҳадсиз,  
Тиббиётга бахш этай жоним,  
Шифо топсин қалбимиз нечоғ,  
Жонажоним, зиё маконим,  
Академиям фаҳримсан ўзинг,  
Ғуруримсан Ўзбекистоним!

Азиз Ватан сеҳрли диёр,  
Қучоғингда омад бўлиб ёр,  
Бўлганимда буюк шифокор,  
Минбарлардан янгрисин мудом,  
Академиям фаҳримсан ўзинг,  
Ғуруримсан Ўзбекистоним!

Оқ либосга лойиқ бўлгаймиз,  
Ибн Сино изларин босиб,  
Буюк юртни бирга қургаймиз,  
Шиоримиз қалбларга ёзиб.  
АКАДЕМИЯМ ФАХРИМСАН ЎЗИНГ  
ҒУРУРИМСАН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

**Дилхуш МУРТОЗАЕВ,**  
Тошкент тиббиёт академияси  
Тиббий педагогика факултети  
5-босқич талабаси

## ОНАМ

Қўлимдан келганда сеҳргар бўлсам,  
Бир зум ёнингизда шафоат топсам,  
Юрган ёълларингизни тавоб  
қилолсам,  
Босган изларингизни соғиндим онам.

Тақдирга ёъйдимда боролмаслигим,  
Меҳрли кўзларингиз кўролмаслигим,  
Лек қалбим бир меҳрга ташна  
бўлганда,  
Босган изларингиз соғиндим онам.

Дунё ташвишлари сочга оқ туширар,  
Жилмайган кўзларим айбим яширар,  
Қалбдаги соғинчим дардим оширар,  
Босган изларингиз соғиндим онам.

Тунларингиз бўлган бедор мен учун,  
Яшайбман ёлғиз ахир ким учун,  
Жоним берай оқ сут ҳаққи сиз учун,  
Босган изларингиз соғиндим онам.

Берилса ҳаётда яна бир имкон  
Ёнингизда бўлардим ҳар замон  
Энди айтганларим бўлдику армон  
Босган изларингиз соғиндим онам

**Достон ҲИКМАТОВ,**  
Тошкент Тиббиёт Академияси  
Тиббий профилактика факултети  
402-гурӯҳ талабаси

## КЕЧИРИНГ ДАДА!

Кўксимни кемирар бир нидо,  
Айландим қандайин одамга?!  
Шунча шеър ёзибман эй худо,  
Битта шеър ёзмабман дадамга..

Онамни улуғлаб кўп ёздим,  
Гўзаллар ҳақда-ку хўп ёздим,  
Ўйласам ақлимдан мен оздим  
Битта шеър ёзмабман дадамга..

Етаклаб, теталаб юрғизган,  
Йиқилсам опичлаб турғизган,  
Ўйимга бахт-у, файз кирғизган  
Битта шеър ёзмабман дадамга..

Биламан ҳеч нарса тенг келмас  
Фарзанд ҳаққи оталар қилган дуога!  
Сиз борсиз Жаҳонгир енгилмас  
Борингиз учун минг шукр худога!

**Жаҳонгир БОБОЕВ,**  
**Тошкент тиббиёт академияси**  
**2-босқич 222-гуруҳ талабаси**

## ВАҚТ ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК ДЎСТИМ!

Кўҳна тарих сўзлар сўнгсиз ҳикоя,  
Маҳзун кунлар топгай албат ниҳоя,  
Тождор ёвлар ҳамки солмасин соя,  
Сабр-тоқатни шиор этайлик дўстим,  
Вақт қадрига бирдек етайлик дўстим!

Керак эмас бизга қилич – қалқонлар,  
Не-не синовларни кечган карвонлар,  
Ибн Сино бўлинг – халққа дармонлар!  
Сабр тоқатни шиор этайлик дўстим,  
Вақт қадрига бирдек етайлик дўстим!

Фарзандларинг меҳрибонинг –  
парвонанг,  
Қиблагоҳинг отанг, саждагоҳ – онанг.  
Сен асраган азиз Ватан – остонанг,  
Сабр тоқатни шиор этайлик дўстим,  
Вақт қадрига бирдек етайлик дўстим!

Ғанимлардек сира бўлмагин нокас,  
Бугун жаҳон узра жаранглаган сас,  
Ўз уйингни ўзинг асрай олсанг бас!  
Сабр-тоқатни шиор этайлик дўстим,  
Вақт қадрига бирдек етайлик дўстим!

Фақат огоҳ бўлинг, бўлингиз ҳушёр,  
Авлиёлар руҳи қўллагай ҳам ёр,  
Дилба ёр-у бўлсин дастба кор,  
Сабр-тоқатни шиор этайлик дўстим,  
Вақт қадрига бирдек етайлик дўстим!

**Фарангиз ДЖУМАЕВА,**  
**Тошкент Тиббиёт Академияси**  
**Даволаш факультети**  
**409-талабаси**

## ТИББИЁТНИНГ ИЖОДКОР НИҲОЛЛАРИ

Республикамызда COVID-19 инфекциясининг тарқалишини олдини олиш билан боғлиқ ҳолат барча юртдошларимизни янада огоҳликка, жипслашишга ҳамда оғир дамларда бир-биримизга елкадош ва меҳр-мурувватли бўлишга чорламоқда.

Шундай таҳликали кунларда ўз яшаш жойларига таътилга кетган талабалар билан узвий алоқада бўлиш, уларни доимий равишда назорат қилиш онлайн дарсларида иштироки, бўш вақтларини ташкиллаштириш билан бирга таътилни сермазмун ўтказиш, Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 муҳим ташаббусни амалда қўллаш ва талабалар дунёқарашини кенгайтириш, уларда бадий санъат, рассомчилик, бадий китобларга нисбатан муҳаббат, китоб ўқишга қизиқишларини ошириш мақсадида Тошкент тиббиёт академияси талабалари учун “Келинг, Ватанимизга қанот бўлайлик” чорлови остида туркум масофавий танловлар: “Келинг, Ватанимизга қанот бўлайлик”, “Менинг орзуим”, “Оилам – менинг ҳаётим”, “Устозим – ҳаётим чироғи”, “Тиббиётнинг барҳаёт сиймолари”, “Маҳаллам – менинг фаҳрим”, “Тошкент тиббиёт академиясида ўқишим билан фахрланаман, Ўзбекистонда яшашим билан ғурурланаман” ҳамда “Энг фаол китобхон талаба” мавзуларида масофавий тарзда танловлар ташкил қилинди. Ушбу танловларда ижодкор талабалар она Ватанга, оилага, яшаб камол топаётган маҳаллаларига, билим олаётган даргоҳларига ҳамда уларни илм салтанатига етаклаётган устозларига бўлган меҳр-муҳаббат, садоқат ва шукроналик ҳис-туйғуларини ўз ижод намуналаридан иборат шеърларда, кўшиқ ва рақсларда, китоб тақдимотлари, рассомчилик намуналарида ифодалаб, ўз ижодий ишларини видео, аудио, видеоклип, матн шаклларида (эркин шаклда) тайёрлаб ишчи гуруҳга тақдим этдилар. Танловлар давомида талабалардан рақс йўналишида – 25 та, кўшиқ йўналишида – 30 та, уйда қолинг йўналишида аудиоролик – 48 та, пазандачилик йўналишида – 95 та, иншо ва мақолалар – 12 та, китоб тақдимотлари – 140 та, расм йўналишида – 62 та, спорт йўналишида – 44 та, тикувчилик ва ҳунармандчилик йўналишида – 47 та, турли тақдимотлар – 16 тадан ортиқ ва оилага тайёрлаш дарс ва тақдимотлари 10 дан ортиқ, жами 593 та ижодий материал тақдим этилди. Фарзандига ҳаёт бахш этган, уни талабалик зинапоясигача етаклаб келган ота-оналарига, шу зинапоялардан қоқилмасдан юқори марраларга етиб боришлари учун елкадош бўлаётган устозларига нисбатан юксак шукроналикка чақирувчи шеърлар, жозоба бахш этувчи кўшиқ ва рақслар, оппоқ қоғозларга меҳр ва чуқур истеъдод ила битилган расмлар орасидан ғолиб талабаларни аниқлаш ҳайъат аъзолари учун жуда мушкул бўлсада талабаларнинг қилган меҳнатлари юксак қадрланиб, ҳар бир ижодий иш одилана баҳоланди. Танловларнинг барча турлари бўйича 1-ўрин соҳибларига ТТА томонидан 1 000 000 (бир миллион) сўм, 2-ўрин ғолибларига 700 000 (етти юз минг) сўм, 3-ўрин соҳибларига 400 000 (тўрт юз минг) сўм миқдорда пул мукофотлари ва фаол иштирок этган талабаларга диплом ва сертификатлар тақдим этилди.



# “ТАЛАБАЛИК БАҲОРИ-2020” ОНЛАЙН

## КЎРИК-ТАНЛОВИ

Тошкент тиббиёт академиясида таҳсил олаётган талабалар орасида ижодга чанқоқ, санъат ва адабиётга меҳр қўйган қобилиятли талабалар талайгина. Шундай ижодкор талабаларни ажратиб олиш, уларнинг қобилиятларини намоён этишлари учун имконият яратиш, қолаверса Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 муҳим ташаббуснинг барча йўналишларида талабалар қамровини кенгайтириш мақсадида карантин таътили даврида талаба-ёшлар ўртасида туркум кўрик-танловлар, шунингдек, анъанавий “ТАЛАБАЛИК БАҲОРИ – 2020” кўрик-танловлари масофавий тарзда ташкил этилди.

Танлов шартларига кўра талабалар “Бир актёр театри”, “Энг яхши миллий ва замонавий рақс ижрочиси”, “Энг яхши миллий ва замонавий кўшиқ ижрочиси”, “Энг яхши мусиқа сози ижрочиси”, “Энг яхши фольклёр чиқиш”, “Энг яхши шеър ижодкори”, “Энг яхши мўйқалам (расм чизган) устаси”, “Энг яхши нотиқ талаба”, “Энг яхши ҳунарманд талаба”, “Энг яхши чевар қиз”, “Энг ибратли йигит”, “Энг иболи қиз” номинациялари бўйича ўз ижодий ишларини видео, аудио, видеоклип, шеър, кўшиқ, рақс ижроси, турли тақдимот ва матн шаклларида ТТА талаба-ёшларининг “Ижодкор талабалар” телеграм канали орқали тақдим этдилар.

“ТАЛАБАЛИК БАҲОРИ – 2020” кўрик танловининг якунларига кўра – Тиббий биология факультети 203-гуруҳ талабаси Шахбоз Сотволдиев ва Даволаш факультети 226-гуруҳ талабаси Исроил Восижонов “Бир актёр театри” номинацияси ғолиблари деб, “Энг яхши миллий ва замонавий рақс ижрочиси” номинацияси бўйича Тиббий профилактика факультети 205-гуруҳ талабаси Субҳидам Бахриддинова, Тиббий биология йўналиши 101-гуруҳ талабаси Эъзоза Ёқубова ҳамда 104-гуруҳ талабаси Моҳларойим Эшонқулова ғолиб деб топилдилар. “Энг яхши миллий ва замонавий кўшиқ ижрочиси номинацияси бўйича Даволаш факультети 226-гуруҳ талабаси Шаҳзод Шамсиев, ОМҲ факультети 204-гуруҳ талабаси Шукрулло Ҳабибуллаев, “Энг яхши мусиқа сози ижрочиси” номинацияси бўйича даволаш факультети 402-гуруҳ талабаси Дилноза Бегматова ва 202-гуруҳ талабаси Бусорабегим Ахатовалар ғолиб деб топилдилар. “Энг яхши фольклёр чиқиш” номинацияси бўйича Даволаш факультети 218-гуруҳ талабаси Азизбек Абдакимов, Тиббий профилактика факультети 302-гуруҳ талабаси Ҳолида Каримбаева, “Энг яхши шеър ижодкори” номинацияси бўйича Тиббий профилактика факультети 402-гуруҳ Достон Хикматов, ОМҲ факультети 204-гуруҳ талабаси Севара Қодирова, “Энг яхши мўйқалам (расм чизган) устаси” номинацияси бўйича Тиббий биология факультети 303-гуруҳ талабаси Зилола Жумаева ва Даволаш факультети 113- гуруҳ талабаси Холниса Садуллаевалар, “Энг яхши нотиқ талаба” номинацияси бўйича ОМҲ факультети 204-гуруҳ талабаси Меҳринисо Тошмаматова ва

Даволаш факультети 410-гуруҳ талабаси Шохруҳ Усмоновлар ғолиб бўлдилар.

“Энг яхши ҳунарманд талаба” номинациясига тиббий профилактика факультети 403-гуруҳ талабаси Нозима Хошимова, ОМҲ факультети 204-гуруҳ талабаси Меҳринисо Тошмаматовалар сазовор бўлдилар.

“Энг яхши чевар қиз” номинациясига Тиббий педагогика факультети 402-гуруҳ талабаси Юлдуз Жабақова ва 303-гуруҳ талабаси Муҳаррам Имомовалар муносиб топилдилар.

Шунингдек, “Энг ибратли йигит” номинациясига Тиббий биология факультети 203-гуруҳ талабаси Жаҳонгир Набиев ва Тиббий педагогика факультети 105-гуруҳ талабаси Жасурбек Расуловлар, “Энг иболи қиз” номинацияси бўйича Тиббий профилактика факультети 205-гуруҳ талабаси Субҳидам Баҳриддинова ва ОМҲ факультети 204-гуруҳ талабаси МеҳринисоТошмаматовалар муносиб деб топилди.

Барча номинациялар бўйича ғолиб талабаларга Тошкент тиббиёт академиясининг эсдалик совғалари, диплом ва сертификатлари тақдим этилади.

**М.ХАСАНОВА,**

**Ёшлар билан ишлаш, маънавият  
ва маърифат бўлими бошлиғи**



# TIBBIYOTNOMA

*TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI 2020 YIL MAY*